

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Юлдошева Бибиражаб Миржоновна,
Бухоро Муҳандислик технология институти
академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

For citation: Yuldasheva Bibirajab. Ecological problems of the Bukhara region. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 88-94.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-8>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро вилоятида юзага келган экологик вазият ва унга таъсир қилаётган табиий ҳамда бошқа омиллар, уларнинг оқибатлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири билан боғлиқ айрим долзарб масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, экологик вазияти кескинлашувига таъсир кўрсатаётган ташқи омиллар, юзага келган шароитнинг тарихий обидаларга таъсири ҳам кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: табиий-географик жойлашув ўрни, табиий-иқлимий хусусиятлар, арид минтақа, экологик муаммолар, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чучук сув, чўллашиш, яшил қалқон, шўрланиш, ер ости сувлари.

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ БУХАРСКОГО ВИЛОЯТА

Юлдашева Бибиражаб Миржановна,
Преподаватель истории академического лицея
Бухарского инженерно-технологического института

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается экологическая обстановка Бухарского вилоята и влияющие на это природные и другие факторы, их последствия, влияние на социально-экономическую жизнь населения. Также, рассматривается вещные факторы обостряющие экологическую ситуацию, уровень влияния возникшей ситуации на исторические памятники.

В последние годы экологические проблемы Бухарской области обострились и это негативно влияет экономически-социальному развитию региона. Изучение исторического развития этих проблем помогает предотвращения и снижения нагрузки экологических проблем.

Ключевые слова: природно-географическое местоположение, природно-климатические свойства, аридная зона, экологические проблемы, загрязнение атмосферного воздуха, питьевая вода, опустынивание, зелёная защита, засоленность, подземные воды.

ECOLOGICAL PROBLEMS OF THE BUKHARA REGION

Yuldasheva Bibirajab,

Lecturer of the history of the academic lyceum
of the Bukhara Engineering Technological Institute

ANNOTATION

The article considers the ecological situation of the Bukhara region and the natural and other factors that affect it, their consequences, the impact on the socio-economic life of the population. Also, the material factors exacerbating the environmental situation, the level of influence of the situation on historical monuments are considered.

Key words: natural and geographical location, natural and climatic properties, arid zone, environmental problems, air pollution, drinking water, desertification, green protection, salinity, groundwater.

Қадим Бухоро минг йилликлар давомида жуда катта тарих яратди. Бу тарихнинг бизгача етиб келган қимматбаҳо осори-атиқалари, так-рорланмас меъморий обидалари инсонда фахр, ватанга садоқат туйғусини уйғотади. Бухоронинг диний қадомжолари ва тарихий обидалари маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қизиқишини оширмоқда. Шу сабабли, бугунги Бухоро вилояти шаҳар ва қишлоқлари кенг кўламли бунёдкорлик майдонига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Бухоро вилоятини янада обод қилиш, ривожлантириш ва дунёга танитишга хизмат қилмоқда.

Бухоро вилоятининг табиий-географик жойлашув ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий-экологик хусусиятлари шаклланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Табиий-иқлимий хусусиятларнинг ўзига хослиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тенденциялари вилоятда экологик вазиятнинг бугунги кун ҳолатининг шаклланишига олиб келган. Иқлимнинг кескин континенталлиги, ҳавоси қуруқ ва босимнинг беқарорлиги, нишаблик камлиги, рельефнинг текислиги, табиий оқар сувларнинг камлиги, вилоят ҳудудининг тўлиқ чўл зонасида, арид минтақада жойлашганлиги, қуёш радиациясининг, қуёш ёруғлигининг баландлиги, аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзи, иқтисодиёт тармоқларининг таркибий тузилиши ва ривожланганлик даражаси каби омиллар шулар жумласидан.

“Экологик муаммолар ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, унинг ижобий ечими келажак турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни белгилайди”[1,5]. Вилоят ҳудудида экологик муаммолар шаклланиши ва ривожланиши даражаси турличалиги билан тавсифланади. Улар ичида Бухоро тарихий обидаларига ҳамда аҳоли саломатлигига таъсир ўтказётган экологик муаммолар ҳам талайгина. Кўп ҳудудларда бўлгани сингари Бухоро вилоятида ҳам асосий экологик муаммолардан бири – атмосфера ҳавосининг ифлосланишидир. “Саноат корхоналаридан, транспорт воситаларидан, қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган турли кимёвий моддалардан атмосфера ҳавоси ифлосланмоқда”[2].

Маълумотларга кўра, Бухоро вилояти атмосфера ҳавосида трансчегаравий ифлосланиш тенденцияси мавжуд. Вилоятимиз Навоий ва Қашқадарё вилояти ҳамда Туркманистон Республикасининг Лебаб вилояти саноат корхоналари (нефт-газ, кимё, қурилиш материаллари саноат корхоналари) билан ўралган[3]. Табиийки, мазкур ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариш корхоналари томонидан атмосферага ташланаётган заҳарли чиқиндилар шамол ва бошқа омиллар таъсирида трансчегаравий тарзда атмосферамизни булғамоқда.

Атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири автомобил транспорти ҳисобланади. Автотранспортнинг атмосферага чиқарётган зарарли моддалар салмоғи 53% ни, айрим шаҳарлар (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон) да 80% гача етади[4]. Кейинги

ўн йилликларда Бухоро вилоятида атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори 2 минг тоннага камайгани ҳолда, автотранспорт чиқиндиларининг улуши 52 фоиздан 35,4 фоизгача камайди. Бу табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини фаол олиб борилаётганлиги, автотранспорт воситаларининг катта қисми экологик тоза ёқилғи (табиий газ)га ўтказилганлиги, автотранспорт воситаларини экологик назоратдан ўтказиш тизимининг мукаммаллашганлиги натижасидир.

Ҳозирги вақтда вилоятнинг атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси табиий манбалар ҳисобига ҳамон юқориликгача қолмоқда. Саноат корхоналари манбаларидан атмосфера ҳавосига ташланган заҳарли моддаларнинг 52% углерод оксидлари, 17% углеводородлар, 16% олтингугуртдиоксиди, 9% азот оксидлари, 5,4 % қаттиқ моддалар ва бошқа заҳарли моддаларга тўғри келади[5]. Бу моддалар инсон саломатлиги, атроф-муҳит ва Бухоронинг қадимий тарихига хавф солмоқда.

Бухоро вилояти атмосфера ҳавоси шунингдек табиий чанг ва туз зарралари ҳисобига ҳам ифлосланмоқда. Маълумки, вилоят ҳудудида 30 дан ортиқ туз-шўрҳок конлари мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, уларнинг юзасидан атмосфера ҳавосига ҳар йили 14 минг тоннадан ортиқ туз чанги кўтарилмоқда[6].

Бухоро вилоятининг асосий сув манбаи Амударё бўлиб, ундан ҳудуд аҳолиси суғориш ва ичимлик суви сифатида фойдаланиб келмоқда. Бухоро вилоятида ҳар йили ўртача 3,8-4,0 млрд. метр³ сув сарфланади. Унинг 99% Амударёдан насослар орқали кўтарилиб, тескарисига оқизилади. 1 % сув эса Зарафшон дарёси ҳиссага тўғри келади[7]. Иккала дарё ҳам қўшни республикалар ҳудудидан бошланади ва Бухоро вилоятига оқиб келгунга қадар турли манбалар орқали заҳарланади. Айниқса, Зарафшон дарёси вилоят ҳудудидаги қисми суви шўрланиш даражаси, фенол ва нитритлар билан ифлосланиши жиҳатидан умуман яроқсиз ҳолга келиб қолган. Дарёда ХПК - 2 баробар, сувнинг қаттиқлиги меъёридан 5 баробар кўпдир. Зарафшон дарёси ўзанида ер ости сувларининг мониторинги натижаларида аниқланишича, чучук сувли горизонтлардаги манбаларнинг шўрланиши меъёридан 2-3 марта, сульфатлар 2,5-6,5 марта, хлорид тузлари 1,5-2,9 мартагача кўпайган[8]. Бу эса уларнинг ичимлик суви сифатида мутлақо яроқсизлигини кўрсатади.

Саноат корхоналари ва маиший хўжалик мақсадларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда Қуйимозор сув омборидан, “Дамхўжа-Бухоро” сув қувиридан ва ер ости сувларидан фойдаланилади. Ҳудудда 13 та ичимлик сувини тозалаш иншооти мавжуд бўлиб,

улар бир кеча-кундузда 220-240 минг м³ атрофида ичимлик суви етказиб беради[9].

Бухоро вилоятида ичимлик суви билан таъминланиш даражаси жуда паст бўлиб, жами аҳолининг 53 %ини қамраб олган. Шундан, Бухоро шаҳри 99,8 фоиз, Когон шаҳри 97 фоиз, бошқа туманлар аҳолиси эса 41 фоиздан 72 фоизгача тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ҳатто айрим қишлоқларда ичимлик суви билан таъминланганлик умуман мавжуд эмас. Бир қатор туманлар аҳолисига етказиб бериладиган ичимлик суви таркибидаги минерал тузлар меъёридан анча кўп [10].

Бухоро минтақасининг яна бир йирик экологик муаммоси - чўллашишдир. Кейинги йиллардаги глобал иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг ошиши ҳудуд иқлимига ҳам таъсир кўрсатиб, чўллашиши жараёни тезлашишига сабаб бўлмоқда. Вилоят ҳудудида 100 минг гектардан ортиқ майдонда қум барханлари мавжуд бўлиб, чўллашишга асос бўлмоқда. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларнинг маълумотларига таянадиган бўлсак, дунёда глобал исиш давом этади, бу эса ўз навбатида, республикамизда чўллашишнинг катализатори бўлган гармселларни кўпайтиради ва Бухоронинг воҳа қисмига жиддий зарар келтиради.

Вилоятнинг шимолий қисмида узунлиги 84 км, эни 10 км майдонда “Яшил қалқон” барпо этиш ишлари бошланган. Аммо бу ишлар охирига етказилмаган[11]. Бу ҳимоя минтақасини барпо этиш ишларини жадаллаштириб, давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш керак.

Бухоронинг қадим тарихидан етиб келган иншоотларни сақлашда ер ости сувларининг кўтарилиши, шўрланиш, ёғингарчиликлар таркибидаги зарарли тузларнинг кўпайишини олдини олиш каби муаммолар билан курашишга тўғри келади. Шаҳар ҳавоси ёзда 40 даражадан юқори бўлади, натижада ер усти сувининг парланиши 15-16 марта кўп бўлади. Ер усти сувлари таркибидаги зарарли тузларнинг ярмидан кўпи сульфатлар ҳисобига тўғри келади. Сульфатлар тупроқни ва бинолар пойдеворини қоплаб, уларни емиради[12].

Бухоро вилояти олдида турган экологик муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган турли илмий йиғинлар ўтказилмоқда, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда, турли халқаро ва давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Аммо муаммоларни бартараф қилишга уриниш кам самара бермоқда. Буни олинган статистик маълумотлар тасдиқлайди.

Бухоро региони атмосфера ҳавосини ифлослантирмаслик учун автотранспорт воситаларининг двигателларини такомиллаштириш, улар-

ни қайта тикланувчи энергия манбаларига мослаштириш, уларни электроавтомобилларга алмаштириш, жамоат транспорт воситаларини (троллейбус, трамвай ва б.) сонини кўпайтириб, сифатини яхшилаш эвазига шахсий автотранспорт воситаларини камайтириш, пиёдалар ва велосипед қатнови учун йўлаклар ва мос шарт-шароитлар яратиш лозим. Саноат корхоналарида мавжуд бўлган чанг ва заҳарли газларни ушлаш ва тозалаш мосламаларини янгилаш, реконструкция қилиш ва замонавийларини ишлаб чиқариш лозим. Шу билан бир қаторда, мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу мосламалар мунтазам назорат қилинишини жорий қилиш зарур.

Вилоятнинг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида дарё сувларини тозалаш ишларини яхшилаш ва сувни ифлослантирадиган манбаларни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Бухоро вилоятидаги экологик муаммоларни изчил ўрганиб, олимлар томонидан берилаётган ечимлар амалиётда жорий қилинса, Бухоронинг нафақат тарихи, балки бугуни ва келажаги ҳам асраб қолинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ниёзов А.Б. Бухоро вилоятида вужудга келган баъзи бир экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 5.

2. Тиловов Т. Экология. – Тошкент, 2014. – Б. 38.

3. Ниёзов А.Б., Ҳасанов И.Х., Пардаев Ш.С. Бухоронинг трансчегаравий ифлосланиши. – Бухоро, 2008. – Б4.

4. Орипов М.А., Нуров З.С., Абдуллаев А.А. Экология ва табиат муҳофазаси. – Бухоро, 2010. – Б 30.

5. Ниёзов А.Б. Бухоро вилоятида вужудга келган баъзи бир экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 6.

6. Ниёзов А.Б. Бухоро вилоятида вужудга келган баъзи бир экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 6.

7. Муҳаммадиева Д.Ж., Давлатова М.У., Усмонов С. Бухоро вилояти атмосфера ҳавосининг экологик муаммолари ва ечими. Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро, 2003. – Б 22.

8. Пардаев Ш.С., Ишкулова Р., Ёдгорова С. Зарафшон дарёсининг трансчегаравий ифлосланиши. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 43.

9. Пардаев Ш.С., Ишкулова Р., Ёдгорова С. Зарафшон дарёсининг трансчегаравий ифлосланиши. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 14.

10. Пардаев Ш.С., Ишкулова Р., Ёдгорова С. Зарафшон дарёсининг трансчегаравий ифлосланиши. Барқарор ривожланишнинг муҳим экологик омиллари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 65.

11. Ниёзов А.Б., Ҳасанов И.Х., Ҳасанова И. Экология. – Бухоро, 2006. – Б. 14

12. Тўхтаев Ф.С. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари ва экологик назорат турлари. Республика илмий-амалий анжуманнинг материаллари. Бухоро, 2013. – Б. 42.